

Очиқ осмон остидаги музей шаҳар.

Ҳар бир мурожаат эътиборда.

Ҳар ғиштида тарих мужассам, ҳар обидаси мўъжиза


ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Жаҳон илм-фани, санъати ва маданияти тараққиётида катта ўрин эгаллаган, минг йиллар оша инсониятнинг маънавий ривожига ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшиб келаётган, бетакрор гўзаллиги билан дунё сайёҳларини ҳайратга солиб, уларни ўз бағрига чорлаётган Хива бугунги кунда истиқлол шарофати билан янада гуллаб яшнамолда.

Қадимий Хиванинг 26 гектар майдонини эгаллаган "Ичанқалъа" давлат музей-қўриқхонаси ҳудудидаги меъморий обидалар – нилӣ гумбазлар, нақшинкор минораю мадрасалар ўрта аср шарқ меъморчилигининг тенгсиз жаҳоирларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

ни ўз ҳолича асраш, таъмирлаш, музейларни ноёб осори атиқалар билан бойитиш, янги музейлар ташкил қилиш, маданий меросимизни асл ҳолича келгуси авлодларга етказиш борасида илмий изланишлар, кенг бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Сайёҳлик – бутун дунё буйлаб истиқболли, сердаромад соҳага



ли, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Тошкент шаҳридаги "Ўзбекистон" анжуманлар саройи, Тошкент телеминосони, Нукус шаҳридаги И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Давлат санъат музейи билан бир қаторда Хива шаҳридаги "Ичанқалъа" давлат музейи – қўриқхонаси ҳам муносиб ўрин эгаллади.

Ушбу акцияга бағишлаб, Тошкент шаҳрида ўтказилган маросимда иштирокчилар томонидан "Хива – Ўзбекистоннинг энг гўзал тарихий ёдгорликлари мужассам шаҳар", деб эътироф этилди ва махсус диплом билан мукофотланди.

Бу эътироф вилоятимизда тарихий обидаларни авайлаб асраш, моддий ва маънавий мероси ўз ҳолича сақлаш ва бойитишда, сайёҳлик соҳасини янада жадал ривожлантиришдаги ишларимизни жаҳон андозалари талаблари даражасига кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида сайёҳлик соҳасини жадал ривожлантириш йўллари белгилаб берилди. Фармон асосида вилоятимизда ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилиши кўзда тутилгани барчамизнинг қалбимизга қувонч бағишлади.


Ботир ДАВЛАТОВ,
Хива шаҳридаги "Ичанқалъа" давлат музей-қўриқхонаси директори.

айланиб бораётган бир вақтда ҳар бир ғишти бир тарих, ҳар бир обидаси мўъжиза бўлган, шунингдек, гўзал табиатга эга вилоятимиздаги соҳа салоҳиятини янада ривожлантиришга қаратилган қарорлар асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртимиз ҳудудларининг халқаро ва маҳаллий миқёсда туристик жозибадорлигини ошириш, мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари ва маданий мероси тўғрисидаги маълумотларни кенг оммага етказиш мақсадида UZINFOCOM маркази

томонидан тарихий, маданий, архитектура ва бошқа иншоотларни ўз ичига олган "Ўзбекистон маданий мероси" таркибидagi махсус сайтда ҳам Хива тарихий обидалари ҳақида қизиқарли маълумотларга кенг ўрин берилган.

2016 йилда мазкур марказ томонидан "Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси" акцияси ўтказилган эди. Унинг натижаларига кўра, Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси, деб тан олинган иншоотлар қаторидан Самарқанд шаҳридаги Амир Темир мақбараси, Регистон ансамби-



ЎҚУЛОВ

«ФАРҒОНААЗОТ»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни, шу жумладан кимё саноати ходимларини, қишлоқ хўжалиги соҳасида катта ютуқларга эришиб келаётган пахтакору ғаллаккорларни, соҳибкор боғбонлару сабзавоткорларни

Янги йил билан самимий табриклайди

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили мазмунли, қут-барокатли, бахту саодатли бўлсин!

Юртимиз доимо тинч, осмонимиз мудом мусаффо бўлсин!

Мамлакатимизда кимё саноатини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш, уни техник қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш, инфратузилмасини такомиллаштириш, илгор технологиялар асосида янги, рақобатбардоби маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, соҳага катта миқдорда инвестицияларни жалб қилишга доимий эътибор қаратилаётгани тўғрисида ҳақда юксалиб бораётимиз.

Буни ийрик кимё саноати корхоналаридан бири "FARG'ONAAZOT" акциядорлик жамиятида амалга оширилаётган ишлар ҳамда корхона салоҳиятининг ўсиб бораётганида ҳам кўриш мумкин.

Корхонада амалга оширилган модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари натижасида ишлаб чиқариш қувватлари ошиб, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардоби маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенгайди. Энергия ва ресурс тежайдиган технологияларни жорий этиш ҳисобидан уларнинг таннархини камайтириш, маҳаллий хомашу ресурсларини чуқур қайта ишлашни кўпайтиришга доир ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда корхона маҳсулотлари нафақат республикамиз қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларини қондиради, балки чет мамлакатларга экспорт қилинадиган харидоргир маҳсулот ҳисобланади. Бу йўналишдаги ишларни 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида ҳам изчил давом эттириш корхона жамоасининг асосий вазифаларидан биридир.